



«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Иссиқ кучайганда намозни салқинлатиб ўқинглар, чунки иссиқнинг шиддати жаҳаннам тафтидандир»**, дедилар».

(У зот:) «Дўзах Роббига шикоят қилиб: «Роббим, ич-этимни еб юбордим», деди. Шунда У Зот дўзахга икки нафасга изн берди: қишда бир нафасга, ёзда бир нафасга. Сиз дуч келадиган энг қаттиқ иссиқ ва энг қаттиқ совуқ ана ўшандандир», дедилар». (*«Олтин силсила» Саҳиҳул Бухорий китобидан*).

Ушбу ҳадиси шарифда ҳавонинг ўта иссиқлиги жаҳаннам тафтидан эканини очиқ баён этиляпти. Шу кунларда иссиқ ҳавода юрар эканмиз, жаҳаннам тафти ҳақида тафаккур қилиб, ўзимизни ўнглайлик!

Жаҳаннамнинг бир марта нафас олиши шунчалик жазирама иссиққа сабаб бўлса, унинг ўзининг ҳарорати қандай экан?! Аллоҳ таоло бизни жаҳаннамдан асрасин!

Бу дунёнинг иссиғидан соя-салқин жойларга қочиб қутулармиз, аммо охирадаги иссиқдан қаерга қочамиз?!

Шу кунларда **«Аллоҳумма ажирний мин нарри жаҳаннам»** дуосини кўпроқ ўқийлик!

Маъноси: «Эй Аллоҳ, мени жаҳаннам оташидан асрагин!».

Аллоҳ таоло барчамизни дунёда ҳам, охирада ҳам саодатли бандаларидан айлаб, жаҳаннам азобидан асрасин!

***Нозимжон Иминжонов тайёрлади***